
Ўзбекистон тумани ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг йигирма тўққиз йиллик байрами
муносабати билан байрам табриги

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар, ҳурматли тумандошлар!

Сиз азизларни, Ўзбекистон тумани аҳолисини мустақил Ватанимизнинг Бош
Қомуси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган
Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо
этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустақкам
пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бош қонунимизни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз
амал қилиш – барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Зеро, Конституция мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори, инсон
ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, бирдамлик занжири, тенглик мезонидир.

Барчангизга мустақкам соғлик, оилангизга хотиржамлик, эзгу ишларингиз ва
ташаббусларингиз рўёбида муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Хонадонларимизни, гўзал юртимизни тинчлик-осойишталик, файзу барака
асло тарк этмасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга
чиқсин!

Шерзоджон Юлдашев

Ўзбекистон тумани ҳокими

2021-12-07 15:30:45